



КУЧ — АДОЛАТДА

2011 йил,
3 ноябрь,
пайшанба
№ 43 (349)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этаётгани, аҳоли турмуш даражасининг юксалаётгани истиклол берган имкониятлар туфайлидир. Зеро, мустақиллик бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, ўз тараққиёт йўлимизга эга бўлиш имконини берди. Ана шундай омиллар туфайли Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўтган даврида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар, аҳолининг яши даромади тахминан 9 марта ошди.

Эришган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, мустақиллик шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти кенг намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Барча эзгу орзу-интиҳил ва ҳаракатларимиз, аввало, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимизнинг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир. Буни биргина мамлакатимизда оналарнинг узоқ муқддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминлаш даражаси тобора ошиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, бугунги кунда ҳар 100 оилага ўртача 132 телевизор, 99 холодильник, 27 тадан ортиқ энгил автомобиль тўғри келмоқда.



Бунёдкорлик оғушидаги муқаддас замин

Бу, аввало, халқимизнинг, одамларимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир. Бундан 20 йил илгари ҳаммамнинг ҳам рангли телевизор олиб, томоша қилишга қурбй етмаган, имкони бўлмаган. Бугун меҳмонхонаю ошхона, ётоқхонаю айвонда биттадан телевизор туришини оддий ҳол сифатида қабул қиламиз.

Мамлакатимиз йўлларидagi ҳаракат оқимига назар солар экансан, машиналар йил, ой эмас, кун сайин кўпайиб бораётганини кўрасиз. Кишлоқда қад ростлаган замонавий уй-жойлар олдида қаторлашиб турган машиналар, фермер шийпонига тақаб қўйилган «Ласетти»ю «Дамас»ларга бугун мезмин ўрганиб қолди.

Бугун ўз автомобилларимиз деярли ҳар бир хонадонга кириб борди. Ишга, яқинда халқимиз ўз мустақил тараққиётининг ҳуқуқий асосий бўлган Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигини нишонлайди. Бу қомусий ҳужжат нафақат тараққиёт, балки тинч, осийшта ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим кафолати ҳамдир. Унда турли миллат вакиллари билан ташкил топган мамлакатимиз фуқароларининг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси ўз ифодасини топгани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

сайру саёхатга ҳар ким алоҳида машинада бориши ҳаётимизда оддий мейёрга айланмоқда. Шу ўринда беихтиёр яқин тарихимиздаги энгил машина сотиб олиш учун одамлар неча йиллаб навабатда турган, кўпчиликнинг орузи ушаламай, умри ўтиб кетган даврлар ёдга тушади. Шўкрки, бундай кунлар аллақачон ортда қолди.

Истиклол берган имкониятларнинг амалий намоёнлиги бухорликларнинг ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш, ҳис этиш мумкин.

— Мустақиллик ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборди, — дейди «Дилноз ўғли Абдухалил» фермер хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» Саид Абдуллаев. — Меҳнатимиз кадр топди. Мустақиллик кишлоқ-

дошларим ҳаётида ҳам ўчмас из қолдиromoқда. Ҳозир ҳар уч хонадоннинг бирида энгил автомашина бор.

Саиджон ҳақ, «Кавола Маҳмуд» кишлоқ фуқаролар йиғинида кўп бўлганман. Худуддаги раво кўчалар, кўркам мактабу замонавий кишлоқ врачлик пунктлари, шинам турар-жойлар кишининг ҳавасини келтирадди. Буларнинг бари мустақиллик шарофати.

— Бир пайтлар олис йўл босиб ишлагани Бухоро шахрига борардик, — дейди шу ердаги қўшма корхона тикув цехи устаси Ҳабиба Рўзиева. — Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаги дастгоҳларни ҳозирги замонавий ускуналар билан ҳаёлан таққослаб улар ўртасида ер билан осмонча фарқи кўраман. Қўл остида 32 нафар ишчи меҳнат қиляла-

ти. Барчаси кишлоғимиз ёшлари. Улар қўлидан чиққан момиқ сочлиқлар фақат экспорт қилинади.

«Янги турмуш» кишлоқ фуқаролар йиғинида «Ғани Пулот» фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Ғаниев билан суҳбатда бўлдик.

— 2006 йилнинг 19 майи хотирамдан сира кўтарилмайди, — дейди у. — Даламга мамлакатимиз Президенти ташриф буюрдилар. Бошимиз кўкка етди. Маслаҳатларига амал қилиб кам бўлмаямиз. Жорий йилда пилла ва галладан мўл ҳосил олдик. Ихтиёримизда ўттиз тонна атрофида дон қолди. Техникамиз етарли. Бир гектар ерда тоқзор барпо қилиш ниятиданман. Сизга айтсам, ҳалол меҳнатнинг роҳати булакча, ака.

(Давоми тўртинчи бетда)

Яқинда халқимиз ўз мустақил тараққиётининг ҳуқуқий асосий бўлган Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигини нишонлайди. Бу қомусий ҳужжат нафақат тараққиёт, балки тинч, осийшта ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим кафолати ҳамдир. Унда турли миллат вакиллари билан ташкил топган мамлакатимиз фуқароларининг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси ўз ифодасини топгани ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Konstitutsiyamiz qabul qilinganligining 19 yilligi oldidan

Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт гарови

Бош қонуимизнинг 8-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Шу боис ҳам Ўзбекистонда 136

миллат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқдалар. Хусусан, улар орасида 170 минг нафардан ошироқ туркман миллатига мансуб аҳоли мажҳуд бўлиб, улар ҳам мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори бир хил ҳуқуқ ва мажҳудиятларга эга. Улар-

нинг Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган бўлиб, таълим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Маълумки, Конституцияимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида исти-

қомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаёлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб беради», деб қатъий белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)


Bag'rikenglik tamoyillari

Мурасада ҳикмат кўп

Ота-боболаримиз азалдан ҳар қандай келишмовчиликни муросаю мадора йўли билан ҳал этишни маъқул билганлар. Бу авлоддан авлодга ўтиб келаётган, инсонийликни улуғлайдиган қадриятлардан.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар замирида ҳам инсонпарварлик тамойиллари ётади. Давлатимиз томонидан жинсий ҳазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексидаги ярашув институтининг киритилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ярашув институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жинсий жавобгарликдан озод қилиш тамойилларини кўпроқ қўлланилишига



имкон яратди. Зеро, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фуқароларни жинсий жавобгарликка тортиш чоғида инсонпарварлик тамойилига амал қилиш, адолатни қарор топтириш ва адашганларга тўғри йўл кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Уй-жойдан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни тартиб-қоидаларни амалдаги қонунларда аниқ белгилаб қўйилган. Уларга амал қилган киши асло ақашмайди. Аксинча, қонунни четлаб ўтиб, ўзбосимчилик билан иш тутуш — пайти келиб турли низолаарга, диалхиралликларга сабаб бўлиши турган гап.

Fuqarolik qonunchiligi

Қонун талабига амал қилган ютқазмайди

Бир мисол. Бойсун туманида яшовчи фуқаро Рамазон Раваданов ўз маблагига, яҳши ниятлар билан сотиб олган уй-жойига эгалик қила олмасдан, охири-оқибат судга мурожаат этди.

Маълум бўлишича, Р.Раваданов низоли ҳовлини шу туманда истиқомат қилувчи Абдулла Жураевдан сотиб олган. Буни Бойсун тумани давлат нотариал идораси томонидан 2011 йил 2 июнда берилган олди-сотди шартномаси ҳам тасдиқлайди.

Буни қарангки, ушбу хонадонда оила аъзолари билан вақтинчалик ижарада яшаб турган А.Бойимов турли баҳоналарни рўқач қилиб, ҳовлини бўшатиб беришни пайсалга солади. Р.Равадановнинг А.Бойимовни уйдан чиқариши учун қилган барча уринишлари зое кетади.

Суд мажлисида А.Бойимов қанчалик вақ кўрсатмасин, унда уй-жойига эгалик қилиш ҳуқуқини бе-

рувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги маълум бўлди. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасида «Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир», деб қайд этилган.

Шунга асосан суд даъвогар Р.Равадановнинг даъво талабини қаноатлантириб, Уй-жой кодексининг 74-моддаси 3-қисми ҳамда 70-моддаси 3-қисмини қўллаган ҳолда, жавобгар Абдулла Бойимовни оила аъзолари билан уй-жойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳусусида ҳал қилув қарори чиқарди.

(Давоми иккинчи бетда)

Авалло шунни айтиш керакки, давлат ҳоқимияти ва бошқарув идоралари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш, бир сўз билан айтганда, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартли ҳисобланади.

Qonun ijodkorligi

Ахборот эркинлиги кафолати

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Шу боис Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида-ноқ мамлакатимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, олиб бораётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг очиқ ошқоралигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгила-ниб, изчил ва тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, жамоатчиликни давлат ҳоқимияти ва бошқарув идораларининг фаолияти тўғри-

сида, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида хабардор қилишга қаратилган қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўрни келганда яна шунни айтиш керакки, Конституцияимизда ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш ҳамда ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги мейёр ўз ифодасини топган.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Масъулият ва мажбурият

уни ўз вақтида адо этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир

Мамлакатимизнинг энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Юртимизда бозор муносабатларини қарор топтириш, энергетикадан оқилона фойдаланишга қаратилган изчил сиёсат ифодаси ўларок, энергетика тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш борабарда истеъмолчилар эътиҳонини тўлиқ қондиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди.

1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги қонун ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Электр ёки иссиқлик энергиясидан оқилона фойдаланиш, унга улашиш, уни ўлчаш, ҳисоб-китоб қилиш шартномаси ҳуқуқий муносабат ва белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишни тақозо этади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакатимиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилишни тартибга солиш мақсадига 2009 йил 5 июнда

«Электр энергияси истеъмоллини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 22 августда «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинди.

Ушбу мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлигига қарамай ҳаётда айрим қимсалар томонидан электр ёки иссиқлик энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, уларга ўзбосимчилик билан улашиш ҳоллари кузатилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Маълумки, мустақилликнинг нақ йиллариданоқ тадбиркорлик фаолият эркинлиги ва ҳусусий мулкнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, шунингдек, ушбу соҳанин хуқуқий ҳимоясини такомиллаштиришга доир чоратадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

2011 йил — «Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркорлар ҳуқуқлари доимий ҳимояда

бунда фуқаролик судларининг ҳам алоҳида ўрни бор

Ўтган даврда «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунларда мулкчиликнинг ҳусусий шаклини жорий этиш ва унинг эркин-

лигини таъминлашга қаратилган қоидалар ўз ифодасини топган. Айтиш керакки, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг жadal ривожланишига ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Қонун талабига амал қилган ютқазмайди

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Яна бир мисол. Термиз шаҳрида яшовчи Нарзикул Пирназаров ва унинг турмуш ўртоғи Ойгул Хидиров ва узоқ вақт шаҳардаги «Сурхондарёқурилиш» МЧЖда қоровул бўлиб ишлаб келишган. Улар фаолиятлари давомида масъулияти чекланган жамият маъмуриятининг оғзаки розилиги билан корхона тасарруфига бўлган бинолардан бирида яшаган.

Кейинчалик эса, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 5 май кундаги ҳал қилув қарорига асосан корхона банкрот деб топилиб, «Сурхондарёқурилиш» МЧЖ кредитори уртасида 2009 йил 23 мартда тузилган келишув битимида кўра, корхонанинг қарзлари «Термиз ипак йўли» МЧЖ таъсисчиси Фарҳод Асланов томонидан қопланиши назарда тутилган.

Орадан кўп ўтмай Термиз шаҳри ҳокимининг 2009 йил 23 майдаги 614-сонли қарорига мувофиқ, шаҳардаги Ч.Сафаров кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 6211,75 квадрат метрдан иборат бўлган корхонанинг маъмурий ва хўжалик бинолари Ф.Аслановнинг шахсий мулки, деб белгиланган.

Шу йил 15 апрелда собиқ «Сурхондарёқурилиш» МЧЖнинг анчадан бўён чўзилиб келатган қарздорлигини қоплаш мақсадида республика кўп тармоқли агроасаноат биржаси Сурхондарё вилояти филиалида тузилган

кўчмас мулкнинг «Электрон-биржа» савдоси орқали Ф.Аслановга тегишли бўлган мазкур иншоот «FLESH — STYLE — TERMEZ» хусусий корхонасига сотилиб, меъёрий ҳужжатлар қонуний тарзда расмийлаштирилган.

Кўриниб турибдики, ҳаммаси рисоладагидек, қонун доирасида амалга оширилган.

Бироқ Н.Пирназаровлар оиласи қонуний ҳужжатларни тан олмасдан, бир пайтлар тугатилган корхонада ишлаганликларини рўқач қилиб, бинони бўшатиб беришдан бош тортишди.

Ниҳоят, уйлаб давом этган тортишув судда ўз эчимини топди.

Суд хайъати даъвогар «FLESH — STYLE — TERMEZ» хусусий корхонаси тақдим этган ҳужжатларини ҳамда томонларнинг фикрларини муҳокама қилиб, Нарзикул Пирназаровнинг хатти-харақатларига қонуний баҳо берди ҳамда қонун талабларидан келиб чиқиб, уларни ўзбошимчалик билан эгаллаб келган бинодан мажбурий тартибда чиқариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро бирор-бир ишга кўл уришдан олдин обдон ўйлаб, қонун талабига амал қилган ҳолда иш тутса, юқоридagi сингари ноҳуш ҳолатларга ўрин қолмайди.

Азиз НОРБОВЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судининг судьяси
Абдунаби БОБОЕВОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес муҳити яратиш, хусусий мулкчилик устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонун қомаги

Ишонч телефони — ишончли ҳамкор



Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартда қабул қилинган «Адлия органларида махсус «Ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур қарор асосида Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш мақсадлари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси — «Ишонч телефони» ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га жами уч юзга яқин мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 130 дан зиёди қаноатлантирилди. Жумладан, Сарносиё туманида фаолият юритаётган «Саховат» қўшма корхонаси раҳбари А.Захарянинг Олтинсой тумани ер ресурсларини ва давлат кадастри ходимларининг хатти-харақатлари юзасидан «Ишонч телефони»га қилган мурожаати тўғрисидаги қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Натияжада Олтин-

сой тумани хўжалик ҳисобидида ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати бошлиғи А.Қ.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судига юборилди. Мазкур маъмурий иш суд томонидан қабул қилиниб, суднинг қарорига асосан айбдорга нисбатан 99 минг 470 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди. Шуниингдек, бошқарма томонидан мазкур қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва қайта тақоррорлаш мақсадида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида қўриб чиқилиб, суднинг қарорига асосан айбдорга нисбатан 99 минг 470 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди. Шуниингдек, бошқарма томонидан мазкур қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва қайта тақоррорлаш мақсадида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимида қўриб чиқилиб, суднинг қарорига асосан айбдорга нисбатан 99 минг 470 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Кўриниб турибдики, «Ишонч телефони» тадбиркорларнинг яқин ҳамкорига айланиб бормоқда. У орқали қабул қилинаётган ҳар бир мурожаат адлия идораларининг доимий эътиборида.

Д.ТАНГИРКУЛОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, миллий тили, ўзига хослиги, анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминлангани ушбу конституциявий қафолат самарасидир.

Ана шу қафолат самараси ўлароқ, Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган туркманлар ҳам ўзларини мустақил Ўзбекистон халқининг ажралмас бир қисми, деб ҳисоблайди. Улар орасида бугун таникли шифокорлар, ўқитувчилар, фермерлар, фан ва маданият намойндалари борлиги ҳам биз юқоридagi тилга олиб ўтган ҳуқуқий ҳимоянинг меваси, десак, асло адашмаймиз.

Яна шуни кувонч билан таъкидлаб ўтишни истардимки, бугун Ўзбекистоннинг қай бир шаҳар ёки вилоятида туркман миллатига мансуб аҳоли тигиз яшаса, ўша жойда, албатта, туркман тилига ихтисослашган мактаб ва бошқа таълим муассасалари мавжуд. Шуниингдек, бугун Ўзбекистонда туркман тилида кўплаб китоб ва газета-журналлар чоп этилмоқда, туркман ти-



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга янада кўпроқ эркинлик беришга қаратилган изчил ислохотлар ўзининг кутулган самарасини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий тизимдаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган қатта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришга муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур Фармонга кўра, назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибда амалга оширилиши жорий этилди. Бунга қадар тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига туман (шаҳар) ҳокимлари, барча назорат

Konstitutsiyamiz qabul qilinganligining 19 yilligi oldidan

Тинчлик ва барқарорлик — тараққиёт гарови

лидаги махсус радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар доимий равишда эфирга узатиб келинади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Республика байналмилал маданият маркази қошида бирлашган турли миллатларнинг миллий марказлари бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, давлат тадбирлари ва умумхалқ байрамларида фаол иштирок этаёптилар. Жумладан, «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ватан битта, Ватан ягона», «Бизнинг кучимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда» каби фестиваллар миллатларро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилиб келмоқда.

Шубҳасиз, бизнинг бирдамлигимиз,



ҳамжиҳатлигимиз, қўлни-қўлга бериб, бир ота-онанинг фарзандлари каби ахил-иноқ яшашимизда, мустақил Ватанимизнинг буюк келажиги учун баҳамжиҳат меҳнат қилишимизда, энг аввало, ўзбек халқининг ўзига хос бағрикенглиги, қолаверса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг эътибори ва доимий ғамхўрлиги сабаб бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, дунёнинг айрим мамлакатларида динларро, миллатларро зиддларида кундан-кун кучайиб бораётган ҳозирги шароитда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшаб келётган мамлакатимизда миллатларро ва динларро бағрикенглик, тотув-

лик ва ҳамжиҳатликнинг таъминлангани, шубҳасиз, истиқлол йилларида қўлга киритилган энг катта ютуқларимиздан биридир. Тан олиб айтиш керак, бизнинг бу борада қўлга киритаётган ютуқларимизга ҳавас қилса, арзийди.


Ана шу муқаддас Ватан тараққиёти йўлида тинчлик ва барқарорликни сақлаб, давлатимиз Конституциясида яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, бир оила фарзандлари каби қўлни қўлга бериб яшаш ва меҳнат қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Оразмурод ҚУРБОНОВ,
Республика туркман миллий маданият маркази раиси,
«Дўстлик» ордени соҳиби

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркорлар ҳуқуқлари доимий ҳимояда

бунда фуқаролик судларининг ҳам алоҳида ўрни бор



килувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар эга эди.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизimini такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди. Бу билан давлат ва назорат идораларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин қисқартирилди, текшириш-

ларни ташкил қилиш тизими янада такомиллаштирилди ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлиги янада кучайтирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлиги қафолатлари акс этган қонун ҳужжатларини қўллаш орқали тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда. Жумладан, даъвогар вилоят адлия бошқармасининг фуқаро О.Ражабовнинг манфаатларини қўллаб, Навбахор тумани архитектура ва қурилиш бошқармасига нисба-

тан қилган даъво аризаси кўриб чиқилди. Адлия бошқармаси томонидан туман архитектура ва қурилиш бошқармаси фаолияти ўрганилганда, тадбиркорлик субъектларидан ноқонуний равишда тўлов ундириш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган. Яқка тартибдаги тадбиркор О.Ражабовдан савдо дўконини учун таклиф лойиҳасига 52 минг сўм ноқонуний равишда ундирилган.

Холбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом талабига кўра, тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида қўйил линияларни натурога қўйиб бериш архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан икки иш кўни мобайнида бепул амалга оширилди ва қурилиш тугалланган объект қабул қилинганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Туман архитектура ва қурилиш бошқармаси қурилиш тугалланмаган объект учун тўлов ундирилмаслиги тўғрисидаги қонунчилик талабига риоя қилмаганлиги оқибаотида тадбир-

кордан асоссиз равишда пул ундирилишига йўл қўйилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманларо судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, О.Ражабовнинг фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилди. Иш бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан архитектура бошқармаси раҳбарларига нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш, уларнинг фаоллигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бу соҳада қонунчиликни тўғри татбиқ этиш ва уларга қатъий риоя қилиниши билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш уларнинг иқтисодиётга қўшаётган ҳиссасини янада оширади.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навой вилояти суди раисининг ўринбосари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамиятнинг барча жабҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизимининг тубдан ислох этилаётгани соҳани либераллаштириш, миллий қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг 25 — 26 март кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг V ялпи мажлисида жамият ҳаётинда муҳим ўрин тутадиган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шулардан бири 2011 йил 26 апрелда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонундир.

Ушбу қонунга кўра, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда транспорт соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар кучайтирилди. Бундан қўзланган асосий мақсад эса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, шу орқали инсон ҳаёти ва саломатлигига ҳавф солиши мумкин бўлган хатарларни бартараф этишдан иборатдир.

Маълумки, муқаддам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-

моддасида ҳайдовчининг транспорт воситаларини алкоғоли иччилмадан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача маст ҳолда бошқариши учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача жарима ёхуд транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум этиш жазоси белгиланган эди. Янги ўзгартиришга мувофиқ, худди шу ҳуқуқбузарлик учун қатъий тарзда бир ярим йилдан ўзгача муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси белгиланди.

Албатта, бу ўзгартириш бежиз эмас. Бошқача айтганда, қонунчиликка шундай ўзгартириш киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Одатда, ҳар биримиз кундалик ҳаётда ҳайдовчи ё йўловчи ёхуд лифтада айланамиз. Транспорт воситалари турмушимиздан шу қадар кенг ўрин олганки, энди усиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Узогимизни яқин, оғиримизни энгил қиладиган транспорт воситалари қоидага мувофиқ бошқарилса, нур ус-

тига нур. Аммо таассуфки, қоидага бепиsand қарайдиган ёки ўзига ортинча баҳо бериб, маст ҳолатда машинани бошқаришга уринадиган ҳайдовчилар ҳам учраб туради. Аниқларис, бундай кимсалар бу қилмиш билан нафақат ўзининг ҳаётини, балки бошқаларнинг ҳам саломатлигини жиддий ҳавф остига қўяди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 2011 йил 20 сентябрь кунини Т.Расулов (исм-фамилиялар шартли) йўл-транспорт ҳодисасини содир этади. Аниқланишича, у шу кунини «Матиз» русумли автомобиласининг «Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.6-1-бандига хилоф равишда, яъни маст ҳолатда бошқарган. Устига-устак Т.Расулов «Йўл ҳаракати қоидаларининг 1.2-банди («Ўзбекистон Республикасининг йўлларига транспорт воситаларининг ўнг тарафлама ҳаракатлини тартиби белгиланган») ва 12.1-банди («Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган ҳавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла

Qilmish-qidirmish

Хушёрлик

тўхташини таъминлайдиган даражада қамайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун ҳавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак») талабларига ҳам амал қилмаган. У бошқаруви йўқотиб қўйганидан сўнг автомашина қарама-қарши йўналишда чиқиб кетган. Натияжада машина ўз йўлида келаятган Х.Йўлдошевнинг «Матиз» русумли автомашинасига бориб урилган. Бунинг оқибатида ҳар иккала ҳайдовчи тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган. Тўқнашув натижасида Т.Расуловнинг машинасига 1 500 000 сўмлик, жабрланувчи Х.Йўлдошевнинг автомашинасига эса 300 минг сўмлик зарар етган.

Кўриниб турибдики, ушбу нохуш ҳолисига Т.Расуловнинг локайдлиги, қоидага амал қилмаслиги сабаб бўлган: йўл қўйилган биргина хатта бошқаларини ҳам етаклаб келди. Агар у спиртли ичимлик истеъмол қилмай, хушёр ҳолда машина бошқарганида манзилига соғ-саломат етиб бориши, Х.Йўлдошев ҳам қутилмаган ташвишларга дучор бўлмасди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунларда юқорида қайд этилган конституциявий меъёр янада ривожлантирилиб, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар зиммасига оммавий ахборот воситалари ва жамоат манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги тўлиқ ахборотни бериш» вазифаси юклатилган.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ҳар қимнинг эркин фойдаланишини таъминлаш борасида ҳам барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, аҳолини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини мамлакатда изчил амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар тўғрисида хабардор қилиш самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида ахборот хизматлари ташкил этилди. Ахборот хизматлари зиммасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида идора фаолиятининг долзарб жиҳатларини ёритиш каби вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, аҳоли ҳамда оммавий ахборот воситаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолияти тўғрисида тезкор ахборот олишни йўлга қўйиш мақсадида Интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб қарийб барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари Интернет тармоғида ўзларининг веб-сайтларига эга. Ушбу веб-сайтлар орқали кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари миқдори 2002 йилга нисбатан 2,8 баробарга ошиб, 340тани ташкил этгани ҳам фикримизнинг таъдидидир.

Яратиб берилган ҳуқуқий кафолат ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, ҳозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 1200 тадан ошиб кетди. Бошқа айтганда, кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг

сони эса 7 баробарга кўпайди.

Мустақиллик йилларида яратилган бундай ҳуқуқий майдон давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолиятининг очик ва шаффофлигини таъминлаш билан бирга, оммавий ахборот воситаларига ўз вазифаларини самарали бажаришлари кенг имкониятлар яратмоқда.

Шу билан бирга бугунги сиёсий модернизация жараёнлари, демократик

ларни тўлдириш мақсадида «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг матбуот хизматлари томонидан ижро этилиши назорат-таҳлил тартибидан ўрғаниб чиқилди.

Тўртинчидан, қонун лойиҳаси ва унинг концепциясини бугунги замон та-

рот олиш ва тарқатиш шакллари ва усулларини аниқ белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) тартиби ва манбаларини белгилаш;

- оммавий ахборот воситалари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида аккредитация қилиш тартибини белгилаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг веб-сайтда ахборот жойлаштириш тартиби, ахборотга қўйилган талабларини белгилаш;

- оммавий ахборот воситалари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг очик мажлисларига бевосита киришни таъминлаш тартибини белгилаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш юзасидан сўровнома тақдим этиш шартлари ва уни кўриб чиқиш тартибини белгилаш (бунда сўровга жавобни тақдим этиш мuddатлари, сўров буйича ахборот тақдим этилишининг рад этилиш асосларини белгилаш назарда тутилмоқда);

- ахборотни тақдим этиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдалана олиш тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Qonun ijodkorligi

Ахборот эркинлиги кафолати бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

ислохотларнинг ҳозирги босқичи оммавий ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда оммавий ахборот воситалари ролини янада кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш муҳим омил ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да тақлиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан тегишли ишлар бошлаб юборилди.

Биринчидан, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан эксперт гуруҳи ташкил этилиб, унга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирилк ва идоралар вакиллари, ахборот соҳасининг тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

Иккинчидан, мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги ҳуқуқ ва атрафлиқа ўрганиб чиқилиб, чар томонлама таҳлил этилди.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликни таҳлил этиш, ундаги мавжуд бўшлиқ-

лаблари даражасида ишлаб чиқиш ва такомиллига етказиш ҳамда мутахассис-экспертларни аниқ ва конструктив тақлиф-мулоҳазаларини олиш мақсадида даяра суҳбати, семинар ва конференциялар ташкил этилди.

Утказилган таҳлилий ишлар натижа-сида ўлароқ қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда эксперт гуруҳи томонидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш буйича қизғин фаолият олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуннинг асосий мақсади — ҳар қимнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, узатиш ва тарқатишга доир бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти идоралари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти идоралари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан бонглик қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш лозим.

Хусусан, қонун лойиҳасига қуйидаги қоидаларни киритилиши назарда тутилмоқда:

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан ҳар қимнинг эркин фойдалана олишини ташкил этиш (яъни ахбор-

от олиш ва тарқатиш шакллари ва усулларини аниқ белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш (эълон қилиш) тартиби ва манбаларини белгилаш);

- оммавий ахборот воситалари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида аккредитация қилиш тартибини белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг веб-сайтда ахборот жойлаштириш тартиби, ахборотга қўйилган талабларини белгилаш);

- оммавий ахборот воситалари вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг очик мажлисларига бевосита киришни таъминлаш тартибини белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш юзасидан сўровнома тақдим этиш шартлари ва уни кўриб чиқиш тартибини белгилаш (бунда сўровга жавобни тақдим этиш мuddатлари, сўров буйича ахборот тақдим этилишининг рад этилиш асосларини белгилаш назарда тутилмоқда);

- ахборотни тақдим этиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш);

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдалана олиш тартибини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни муостақкамлаш йўли орқали медиа макони «биринчи кўндан» ахборот билан тўлдириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олиши таъминланади.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида таъкидлагандек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётимизга жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиклиги ва ошқорлигини, мамлакатимиз ва хорижда кечатган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлашга хизмат қилади.

Шундай экан, ушбу қонун лойиҳасини бугунги ва эртанги кун талабларига жавоб бера оладиган даражада мукамал тарзда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Олимжон ҲСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Bag'rikenglik tamoyillari



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратсақ, А.Аббосов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) таниши Қ.Мирзаевдан қарзга пул олади. Ордан анча вақт ўтиб Қ.Мирзаев пулни сўраб бир неча марта А.Аббосовга мурожаат қилади. Аммо у турли баҳоналарни рўқча қилиб, қарзни қайтаришни пайсалга солади. Шундан сўнг Қ.Мирзаев охириги марта пулни сўраб борганда, А.Аббосов билан тортишиб қолади, натижада икки ўртада жанжал чиқади. Ҳам пул бериб, ҳам калтак ёган Қ.Мирзаев охириги оқибат ички ишлар идорасига мурожаат қилади.

Дастлабки суриштирув ишлари натижасида А.Аббосовнинг жиноят ҳаракатлари оқибатда Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқа айбланади.

Жиноят ишлари буйича туман суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқар экан, А.Аббосов қилган ҳатосини тушуниб Қ.Мирзаевдан кечирим сураганлигини, қилмишидан пушаймонлигини ва томонларнинг ўзаро ярашиб олганлигини, жабрланувчининг гумонланувчиға нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, ишни ярашув билан қаратиб тугатди.

Таъкидлаш жоизки, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокама-сининг исталган босқичида суд

маслаҳатхонаға киришидан олдин берилиши лозим. Бунинг учун аризада етказилган зарар барта-раф этилгани, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши буйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Масалан, О.Мамашукуров 2010 йил февраль ойида З.Абдуғаниев билан телефон орқали гаплашаётиб тортишиб қолади. Телефондаги суҳбатдан сўнг улар юзма-юз кўришишга келишилади. Бироқ улар жиноят гап-лашиб, келиши ўрнига жанжал авж олдириб юборишади. Натижада З.Абдуғаниевга тан жароҳати олади.

Дастлабки тергов мобайнида О.Мамашукуров айбини тушуниб етиб, жабрланувчиға етказган зарарни қоплайди, З.Абдуғаниев эса унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, иш юритишни ярашув асосида тугатишни сўраб ариза тақдим қилган. Суд ишни ўрганиш чоғида ярашув аризасини қўриб чиқиб, жиноят ишини ярашув билан тугатди.

Ярашув институти шахсининг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслиқ ва жавобгарлиқа тортиш натижасида келиб чиқаётган ҳуқуқий оқибатлар олдини олишга замин яратётгани билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, ярашув институти фуқароларимизни қайта хато қилмаслиқа ундамоқда.

А. МАМАДАЛИЕВ,
жиноят ишлари буйича Ўзвон тумани судининг раиси

Muloqot

— Айтинг-чи, йиллик меҳнат таътили қандай тартибда берилади?

Н. ПАРДАЕВ,
Навбахор тумани

— Меҳнат кодексининг 143-моддасида бу масала ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга асосан, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил куйидаги ҳодимларга уларнинг хоҳиши буйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- аёлларга — ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидадан ёки ўндан кейин;
 - I ва II гуруҳ ногиронлирига;
 - ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
 - мuddатли ҳарбий хизматдан захираға бўшатиш билан ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларға;
 - ўриндошлиқ асосида ишлаётганларға - асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлиқ асосида ишлаган вақтида мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
 - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртиларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларға, агар улар ўзларининг йиллик таътиллариини имтиҳонлар, синовлар (забетлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
 - технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ҳодимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришиға олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд қорхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ҳодимларға (кодекснинг 100-моддаси иккинчи қисми 1-банди).
- Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугаганга қадар берилиши лозим. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларға кўра, жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ҳодимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортққ бўлган қисми кейинги иш йилига қўйрилиши мумкин.
- Ўн саккиз ёшга тўлмаган ҳодимларға йиллик таътилни, шунингдек, Меҳнат кодексининг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътиллари бермаслиқ таъқиқланади.

Саволға юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик — асп вабоси ушбу иллатға қарши бирғалиқда курашмоқ лозим

Инсон саломатлигининг мuddахи кушандаси бўлган гиёҳвандлик иллати жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда ҳам гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган. Масалан, 1999 йил

(Давоми тўртинчи бетда)

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу билан электр ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланувчи бошқа истеъмолчиларнинг, шунингдек, электр ёки иссиқлик энергиясига оид фаолиятни амалга оширувчи ва тартибга соливчи қорхоналарнинг қонуний манфаатлари бузилади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 100-моддасида мансабдор шахслар электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа электр ҳамда иссиқлик ускуналаридан мунтазам равишда ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланиш ёки уларни бекорға ишлаб қўйиш зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши, энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг руҳсатсиз хизмат бинолари ва бошқа биноларни иситиш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун электр энергиясидан ҳўжасизларча фойдаланган тақдирда жавобгарлик белгиланган.


Шунингдек, ушбу кодекстининг 101-моддасида электр ёки иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик, электр ёки иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблариға қасддан шикаст етказганлик ва ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартирганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган.

2009 йилда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — электр, иссиқлик, газ ёки водопроводлардан оқилноа фойдаланишни йўлга қўйиш, хусусан, электр ёки иссиқлик энергияси

Sabq

Масъулият ва мажбурият

уни ўз вақтида адо этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир



ёки иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблариға қасддан шикаст етказганлик ва ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартирганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган.

2009 йилда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — электр, иссиқлик, газ ёки водопроводлардан оқилноа фойдаланишни йўлга қўйиш, хусусан, электр ёки иссиқлик энергияси

тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

Иккинчидан, мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги ҳуқуқ ва атрафлиқа ўрганиб чиқилиб, чар томонлама таҳлил этилди.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликни таҳлил этиш, ундаги мавжуд бўшлиқ-

тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

Иккинчидан, мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги ҳуқуқ ва атрафлиқа ўрганиб чиқилиб, чар томонлама таҳлил этилди.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликни таҳлил этиш, ундаги мавжуд бўшлиқ-

тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

Иккинчидан, мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги ҳуқуқ ва атрафлиқа ўрганиб чиқилиб, чар томонлама таҳлил этилди.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликни таҳлил этиш, ундаги мавжуд бўшлиқ-

тажрибали мутахассислари, ҳуқуқшунослар жалб этилди.

Иккинчидан, мазкур йўналишдаги илгор демократик давлатларнинг қонунчилиги ҳуқуқ ва атрафлиқа ўрганиб чиқилиб, чар томонлама таҳлил этилди.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликни таҳлил этиш, ундаги мавжуд бўшлиқ-

Масалан, фуқаро С.М. давлат рўйхатидан ўтмай ноғвоёхона

ташқил этиб, ноконуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган. У ўз фаолияти давомида электр ва газ тармоқлариға ноконуний уланиб, ҳеч қандай тўловни амалға оширмаган.

Марғилон шаҳри электр тармоқлари ҳамда «Водийгазтаъми-

ҳамиша зарур

чунончи, йўлда ҳаракатланаётганда сергакликни унутиш нохуш оқибатға олиб келиши мумкин



Аслида, маст қилувчи ичимликларни нафақат ҳайдовчилар, балки барчанинг истеъмол қилиши азалдан қоралаб келинади. Зеро, сархуш вақтда инсон ақли ўтмас-

лашади, хотираси хиралашади, жисмонан заифлашади, натижада у ўзини идора қилолмай қолади. Бундай вазиятда эса турли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши ҳеч

гап эмас. Ачинарлиси, мастлик туфайли содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатда айбсиз кишилар ҳам жабр чекади. Статистика маълумотларига қараганда, 2009 йилда маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг айби билан 355 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Натижада 89 нафар киши ҳаётдан кўз юрган, 440 нафар киши эса турли даражада тан жароҳати олган.

Суд жабрланувчиға етказилган зарарнинг қопланганини инобатға олиб, Т.Расуловни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддаси 1-қисми, 133-моддаси билан айбли топди ва унга нисбатан икки йил мuddатта транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида жазо тайинлади.

Яна бир ҳуқуқбузар Нусрат Давронов эса «Йўл ҳаракати қоидаларининг 11.10-бандида белгиланган талаб — «Хайдовчи ўзидан олдинда кетаятган транспорт воситаси кескин тўхтаганда у билан тўқнашиб етмаслиқ кафолатини берадиган оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак» деган қоидаға риоя этмасдан ҳуқуқбузарлик содир этган. Гап шундаки, у «Матиз» русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, таъкидланган қоидаға амал қилмайди ва йўлчиросида

тўхтаган Л.Абдуазизовнинг «Дамас» русумли автомашинасини ортиндан уриб юборади. Устига-устак, Н.Давронов «Йўл ҳаракати қоидаларининг 4.1-банди талабларига зид равишда ушбу ҳодиса ҳақида ички ишлар идорасиға хабар бермасдан, воқеа жойидан қочиб кетади.

Суд амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 134-ҳақида 137-моддасидаги асосан айбли деб топилган Нусрат Давроновга уч сутка маъмурий қамоқ ва жарима жазоси тайинлади.

Албатта, йўловчиға манзил муҳим, ҳар бир киши ўзи кўзлаган манзиллиға етмоқни истаЙди. Аммо юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, бу пайтда йўлда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этишимиз зарур. «Йўл ҳаракати қоидаларига» амал қилмаслик, биринчидан, турли кутилмаган кўнгилсиз ҳодисалар келтириб чиқаради, иккинчидан эса, бу ҳуқуқбузарлик ҳ

Hikmat

Istixor

Бунёдкорлик оғушидаги муқаддас замин

ДОНОЛАР ДЭИДИЛАРКИ...

Сенинг ҳақиқий дўстинг сенга хато ва камчиликларингизни кўрсатганидир.

Тилингни ўз ихтиёрингда асра.

Қалбнинг қанақалигини амал кўрсатади.

Қайтариб беролмайдиган нарсани олиш ҳам алдайдир.

Ақлли инсон ганимидан ҳам бирор нарса ўрганишни билади.

Фурсат инсон дарвозасини икки марта тақиллатмайди.

Иллатларнинг энг каттаси ёлгончиликдир.

Ҳамма тушунчаларни фақатгина ақл тиширади.

Дано одам — яхши ишларни ҳам меърида қилади.



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фермер истикомат қилаётган «Маҳалла» кишлоғи шаҳардан сира қолишмайди. Аҳоли табиий газ, тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган.

Хунаро ортидан бахтини топган Собиржон ва унинг шогирдларининг ижод намуналари Баҳоруддин Нақибдод, Ҳўжа Бобо Самосий, Мир Кулол, Ҳўжа Исмаил Бухорий зияратгоҳларини беэза турганини кўриб, уларнинг махоратига қрийил қолмасликнинг илоҳи йўқи.

туфайли унутилаёзган ёғоч ўймакорлиги санъати қайта тикланди, — дейди Собиржон Бўтқов. — Юздан зиёд зияратгоҳ ун ёғочдан дарвоза, эшик, панжара ясаб бердики. Биз ана шундай эзгу ва савоб ишларга хисса қўшаётганимиздан фахр-ифтихор қиламиз.

Бугун Бухорининг қай бири бўлса, бунёдкорлик оғушидаги одамларга юзма-юз келасиз. Ҳар жаҳда илғор бо инсонлар меҳнати билан турмушимиз фаровонлашмоқда. Сахронинг қўқ ўртаксидан барпо этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси эришаётган ютуқлар, айниқса, қувонарлиқдир.

қурилган корхонамиз мамлакат нефть мустақиллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди, — дейди заводин директор, техника фанлари доктори Ш.Саидрахмонов. — Бунга ишонч ҳосил қилиш учун фаолиятимизга бир назар ташлашингиз ўзи қифол.

Дарҳақиқат, ютуқлар бисёр. Айниқса, бугун «Нефтчилар» шаҳарчаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий шифохона, «Ешлар маркази», сунъий қўл, муҳташам маданият саройи, спорт-сомлаштириш мажмуаси, иқтидорли болалар академик лицейи — буларнинг барчаси завод жамоаси, ишчи-ҳодимлар фарзандлари, қорувулбозорликлар учун. 2004-

2011 йиллар давомида бу ерда 200 дан зиёд шинам, яшашга қулай кўт-тежлар барпо этилди.

Ҳа, истиқлол йилларида табаррук бу замин қайта ёшарди. Шаҳар ва кишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Қўрқамликда бири-биридан қолишмайдиган мактабу коллежлар, спорт мажмуалари барпо қилинди. Шинам меҳмонхоналар қад ростлади. Шўролар тузуми даврида қаровсиз холга тушиб қолган мадрасаю обидалар, қадимий ёдгорликлар таъмирланди, муқаддас қадамжолар обод этилди. Бухорои шарифнинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Қўчна ва навқирон Бухоро дунёга юз тутди.

— Юртингизга илк бор 1992 йилда келганим, — дейди Туркиянинг Малатия шаҳри вакиллари. — Мана орадан 17 йил ўтиб яна шаҳрингиз меҳмонимиз. Шу давр оралиғидаги ўзгаришларни кўриб, хайратга тушдик. Бунёдкор халқингизга тасанно айтдик. Бугунги Бухорони чинакам мўъжиза, десак, адашмай-миз.


Дарҳақиқат, жаннатмонанд юртимиз ўз фусуқор табиятига мос тарзда гўзаллашиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, жахон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақдир она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо агона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улғу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айлиши лозим.

Тошпўлат АҲМАД, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими масъул котиви

Ajoyibot

АТРОФИМИЗДАГИ

СИРЛИ ОЛАМ



Дунё олимлари узок вақт илмий ўрганишлардан сўнг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган оддийгина чумолиларнинг яшаш тарзи хусусидаги ҳулосалари кишини хайратга солмай қўймайди.

радилар. Ичкаридаги чирган нарсалар ташқарига чиқарилади. Уларни қўёшда тоблайдилар, ишдан чиққанларини янгишга алмаштирадилар. Заҳга қарши курашиш учун ҳўжалик ишлари билан машғул чумолилар мажсуслар тайёрланган жойда қўёш нуридан баҳраманд бўлган, елкаси совиб улғурмасдан ичкарига йўрғалаб қолдилар, улар бамисоли жонли иситиш асбобидек ер остидаги гўшаларини иситишга ошиқадилар.

Ўқинда Россиянинг Калининград вилояти худудидаги Болтиқ денгизи соҳилларини қўтилмаганда қантлол чумолилар босиб кетди. Бу бежиз эмас, жонзотларнинг жуфтлашиш мажсусли бошлангани. Бу ажабтовур маросим тугагач, жонзотлар келгуси йил баҳор мавсумида денгиз қўмлоқларида янги авлод пайдо бўлиши учун инларига кириб кетиши.

Айтиш керакики, бу жонзотларни узок вақтдан буюн ўрганаётган олимлар уларнинг ҳаёт тарзи одамларнинг турмушу тарзига ўхшаш эканлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Масалан, оддийгина чумолини бирон-бир идишга солиб, яхшилаб боқсангиз ҳам, у барибир, орадан кўп ўтмай ўлиб қолаверган. Буни олимлар чумоли оиласини солинганидан, ёлғизликдан, ўзининг кераксиз эканидан жабр чекиб, шундай аҳволга тушиши билан изохлашмоқда.

«Чумоли ўта ижтимоий мавжудот, жамоа бўлмаган жойда яшай олмайди», — деб таъкидлайди энтомолог Юрий Раскевич.

Олимларни хайратга солган яна бир ҳол — чумолиларнинг инидир. Чунки бу оддий ин эмас, ўзига хос ақл билан қурилган ҳақиқий уйдир. Масалан, ўрмонларда яшайдиган чумолилар уяси мукамал меъморий обидадир. Чумолилар бежиз игна баргли ёки аралаш ўрмонларни макон тутмайди. Чунки игнабаргли дараклар уя қуришда тенгсиз хом ашёдир. Уларнинг смола қўшилган томи чиримайди, энг серёгин куз ойларида ҳам нам тортмайди, иссинки яхши сақлайди. Бундан ташқари уларнинг асосий қисми ер остида жойлашади. Унинг икки метрча етадиган эгри-бурги сўқмоқлари фақат ҳавфсизлик нўқтани назаридангина фойдаланиб, балки ер ости қудуқларидан баҳраманд бўлишда ҳам жуда асқолади. Намлик эса чанқоқни қондириш, гўмба ва личинкаларни қўмитириш, уяда мўътадил иклимини сақлаб туриш учун зарур. Қаҳратон қишда ҳам уяда ҳарорат мўътадил бўлиб туради.

Бундан ҳам хайратланарлиси шундаки, чумолилар уясидаги «хона»лар юздан зиёд, уларнинг умумий майдони 15 квадрат метрга етди. Чумолилар бу хоналарни усталик билан тақсимлаб чиқишади, яъни айрим «хона»лар галла, уруғлик, қуритилган ҳашоратлар сақланадиган омборхона вазифасини ўтайди. Бошқа «хона»да эса, ҳамма оила аъзолари суйиб истеъмол қиладиган асалдан кўтарган «саноч» — тирек чумолилар панжалари билан шифтга осилиб туради. Иличроқ гўшаларда гўмба ва личинкалар вояга етди. Қунига 40 000 га яқин туҳум қўядиган она чумолилар эса, алоҳида хонада яшайди. Бундан ташқари уяда чумолилар гаваҳм бўлиб, иличликда ҳордиқ чиқарадиган алоҳида умумий «зал»лар ҳам бор.

Айтиш керакики, чумолилар ўз уйлари могор босишидан, чиршидан астойдил ҳимоя қиладилар. Бутун ўз бўйи улар уялари шамоллатиб, қуриб-туту-ш

Ман шундай ҳафсала, саъй-ҳаракат боис чумоли уялари бир жойда узок йиллар сақланиб туриши мумкин. Швейцариялик олим Август Фореель 90 йилдан зиёд вақт мобайнида сақланган қолган чумоли уяси ҳақида маълумот берган.

Бу жонзотлар тўғрисида фикр юритганда, яна шу ҳол эътиборни тортадими, ҳамма ишчи чумолилар — она чумолилардан иборатдир. Она чумолилар кўриқчилик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан банд бўладиган, ганимлар билан олишидилар, етулик топадилар. Яна шунини айтиш керакики, олимлар ҳали-ҳануз чумолиларнинг қандай тартибда ўзаро мулоқотга киришишлари, ахборот алмашинишлари тўғрисида аниқ тўхтамга келишгани йўқ. Гоҳо улар бир-бирларининг мўйлабини силаб-сийлаб, йўлақларни ҳидлаб муҳим маълумот олаётгандек туюлади. Айни чоғда улар ультратовушлар ёрдамида ҳам мулоқотга киришаётгандек ҳисобланади. Оддийгина чумолилардан биронтаси ёнгинини қўриши ҳамон қолганларининг ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, ўзларидан қисилта сачратганча ёнгини ўчиришга киришадилар.

Бир йилда бир марта, маълум бир соатда ҳамма чумоли уяларидан қантол чумолилар кўни қўшиларга аралаш-қуралаш бўлиб учиб чиқадилар. Улар айнан ана шу мажсусларга атак вояга етказилган ёш жуфтликлардир. Ўзаро чатишув ҳавода юз беради, қанот ана шунинг учун керак бўлади. Кейин қанотлар ташлаб юборилади. Бўлажак оналар уяга ўрмалаб кириб кетадилар, шундан сўнг улар бир неча ҳафтагача, яъни янги авлод кўз очмагунча ҳеч нарса емайдилар ва ичмайдилар.

Олимларнинг қузагишлири яна шунини кўрсатадики, чумолиларни ҳаммаша тўғри-ҳалол турмуш кечиради, деб бўлмайдими. Уларнинг орасида кейинчалик ўзларига бўйсундириш учун бошқаларнинг личинкаларини ўғирлайдиганлари ҳам учраб туради. Бундан ташқари бу захирамаш жонзотлар ичкиликка мойилроқ бўладилар. Улар уяларида жажжи кўнгишларни боқйшади. Кўнгиш шарбатларидан улар маст-аласт бўладилар, масъулиятни, ишни унутадилар. Агар ичкиликка бутун уя ружу қўйса, она таназзулга учраб, қирилиб кетиши таин.

Энг муҳими, олимлар чумоли уясига қараб киш қачон келишини белгилаш мумкин, дея таъкидлашади. Масалан, қор ўққунаб турса — чумолилар ини атрофида ўрмалаб юрса, атрофини ҳали-бери қор қопламайдими. Агар чумоли уя тепасида фақат қорувул чумоли турса, тез орада совуқ тушади.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Маълумки, бир кишининг бошқа кишига мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзата келади.

Қонунга кўра, гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амалга оширилиши мумкин. Гаровга қўйлашадиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганга гаров закалат ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса, ипотека санаалади.

Huquqiy ma'rifat

Гаров у қандай вужудга келади?

Хар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулк иҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, аммо муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига ётказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган ўзга талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкнинг гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан этилиши ёки чекланиши мумкин.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқаролик қонунчилигига биноан, ипотека шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мубофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мул्ला бўлган ҳуқуқни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Ипотека тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Шуқурулло АҚБАРОВ, Ҳамза тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Jinoyatga jazo muqarrar

Гиёҳвандлик — аср вабоси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Жиноят кодексига гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Шунингдек, судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўриш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш, бир хилликни таъминлаш мақсадида Олий суд Пленуми томонидан 1995 йил 27 октябрда «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарор қабул қилинган.

Алоҳида эътиборли жиҳати — бу турдаги жиноятни содир этган, гиёҳвандликка мукассидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда даволлаш чоралари қўлланилади. Масалан, Жиноят кодексининг 96-моддаси талабига асосан, судланувчига нисбатан жазони ўташ жойларида мажбурий тартибда гиёҳвандликка қарши тиббий йўсунда даволлаш чоралари белгиланади.

Фикримизни энди мисол асосида далиллашга ҳаракат қиламиз. Яқинда жиноят ишлари бўйича туман судида Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан айбланувчи Камол Мамадулов ва Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари билан айбланган Фарҳод Шайимовларга доир жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, судланувчи К.Мамадулов Самарқанд шаҳрида яшаган марҳум Т.Ҳотамов билан олдидан жиноий тил бириктириб, ундан кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситасини сотиб олган. Шундан сўнг К.Мамадулов Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Ф.Шайимовга ана шу гиёҳвандлик воситасидан 0,105 грамини қонунга хилоф равишда 40 минг сўмга сотган. У қолган оғуни тadbир иштирокини Р.К.га «Иж Планета» русумли мотоциклга алмаштириш йўли билан сотиш мақрадида олиб келган пайтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланган.

Суд юқорида номи келтирилган Пленум қарорининг 5-банди 4-қисмидаги «Айбдор томонидан гиёҳ-



ушбу иллатга қарши биргаликда курашмоқ лозим

вандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг фақат бир қисми сотилиб, қолгани топишдан ва олинган ҳолларда, бундай восита ёки моддаларнинг ўлчамини уларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади», деган раҳбарий тушунтиришларга асосланди. Суд судланувчи К.Мамадуловнинг бир гуруҳ шахслар билан олдидан жиноий тил бириктириб, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотган, деб топди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан ўн йил муддатга озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Фарҳод Шайимов ҳақида эса бироз мулоҳаза юритиш жоиз. Халқимизда «Гални галир уқанган...» деган пурмаёно ҳикмат бор. Бу бежизчи айтилмаган. Негаки, судланувчи Ф.Шайимов муқаддам жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг ҳукмига асосан Жиноят кодексининг 276-моддаси 4-қисми билан айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг 59, 61-моддаларига кўра, беш йилга озоқликдан маҳрум этилган. Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг ахримига асосан ўталмай қолган бир йил етти ой тўққиз кун озоқликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга, хар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромадига ушлаш шarti билан алоққ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Албатта, Ф.Шайимовга нисбатан инсонпарварликка асосланган қонун меъёрлари қўлланилган. Афсуски, судланувчи ана шу бағрикенгликдан ўзига тегишли ҳулоса чиқармаган, оиласи, икки нафар вояга етмаган фарзандининг келахагини ўйламаган. Ҳунига тайин-

ланган жазони ўтаб бўлмай туриб, яна жиноятга кўл урган. Судга оид наркологиқ экспертизанинг ҳулосасига кўра, Ф.Шайимов гиёҳвандликка йўлиққан ва мажбурий даволанишга муҳтож.

Суд ҳаёяти судланувчи Ф.Шайимовга муқаддам гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган бўлса-да, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини қўзғалай қонунга хилоф равишда қўнғага сақлаб келишда айбдор, деб топди. Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми «а», «б» бандларини қўлаб, илгари тайинланган жазони ўталмаган қисмини Жиноят кодексининг 60, 61-моддалари талабига асосан қисман қўйиш, узил-кесил ўташ учун ўн йил етти ой озоқликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Суд ҳукмида Ф.Шайимов Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволантирилиши қайд қилинди.

Зеро, инсон саломатлиги, айниқса, саломатлигини муҳофаза ушлу юртимизда доимий эътиборда. Бироқ инсон соғлиги, биринчи навбатда, унинг ўзига ҳам боғлиқ. Бу гап юқоридаги каби гиёҳвандликка ружу қўйган кимсаларга кўпроқ тегишли. Жамиятимизда бундай ҳолларга бефарқ бўлмай, гиёҳвандликка қарши курашиш мунтазамликка эътаётгани эътиборга лойиқ. Бундай хайрли ишларга барча ўз хиссасини қўйиши эса, нафақат инсон саломатлиги, балки жамият муҳити соғломлигига хизмат қилади.

Элёр АБДУВАЛИЕВ, жиноят ишлари бўйича Янгиобод тумани судининг раиси

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

- Бўритош МУСТАФОЕВ Олимжон ИСМАИЛОВ Шерали РАҲМОНОВ Мавжуда РАҲАБОВА Нуриддинжон ИСМОИЛОВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Муҳаммад АЛИ

- Омонбой ОҚОЛОВ Холмуҳаммад ЁДГОРОВ Дилбар СУЙОНОВА Юлчибой ТУРСУНБОВ Шохонус ҒОЗИЕВ Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

- Отабек САФАРОВ Сахифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.

Тел: 239-02-54, 239-02-55

Буортма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табак.

Сотувда эркин нарҳда. Адади: 5764.

2 3 4 5 Топшириш вақти: 20% Топширилди: 21%